

**Бухоро МТИ “Менежмент” кафедраси доцентлари Д.И.Рўзиева,
Х.А. Улашев, катта ўқитувчилар Д.Т. Гафарова, Ж.К.Мусаева ва
ассистент С.Ю.Норовалар томонидан тайёрланган “Молиявий ва
бошқарув таҳлили” фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий
кўрсатмага
ТАҚРИЗ**

Республикамиз олий ўқув юртлари олдида турган асосий вазифалардан бири - иқтисодиёт тармоқларига юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб беришдир. Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришга бораётган ҳар бир мутахассис- кадрлар иқтисодиёт соҳаси бўйича керакли билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Шу жумладан корхоналарнинг молиявий ва бошқарув фаолиятини таҳлил қилишга оид билимларга эга бўлиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу услубий кўрсатма “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанидан курс ишларини бажаришга мўлжалланган бўлиб, бу услубий кўрсатма ишчи ўқув дастури асосида тайёрланиб, унда кўрсатилган барча мавзуларни қамраб олган.

Ушбу услубий кўрсатмада ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий ва бошқарув фаолиятини таҳлил қилиш жадваллар ёрдамида кўрсатиб берилган ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаштириш шароитида корхона, фирма, компанияларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, меҳнат ва моддий бойликларидан фойдаланиш, асосий ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таркиби, молиявий натижа ҳамда молиявий ҳолат, пул оқими ва хусусий капиталлар ҳаракатини таҳлил қилишнинг услублари содда ва тушунарли тилда ёритилганган бўлиб, шунингдек, корхона маблағларининг ташкил топиш манбаларини, молиявий натижаларини, асосий воситалар ҳаракатини омилли, қиёсий таҳлил қилишнинг амалдаги тартиби, фирма ҳамда компанияларнинг кредитга лаёқатлилиги, молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш усуллари кенг ёритилган.

Ушбу услубий кўрсатма 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишида таҳсил олаётган балаврларнинг “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанидан олган назарий билим ва амалий кўникмаларини янада мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади деган фикрдаман.

Умуман қилиб олганда, ушбу услубий кўрсатма Олий таълим талабларига жавоб беради ва чоп этишга рухсат олиш учун институт Услубий Кенгашига тавсия этилади.

Бухоро МТИ

“Менежмент” кафедраси доценти :

Улашев Х.А.

Имзони тасдиқлайман
Кадрлар бўлими бошлиғи

Полвонова Р. Ж.

